



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустахкам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик, раънақ ва фаровонлик тилаб, эзгу истаклар билдирилган.

Жумладан:

Америка Қўшма Штатлари Президенти
Барак Обама

Марокаш Подшоҳи **Муҳаммад VI**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси
Президенти **Абдулазиз Бутефлика**

Озарбайжон Республикаси Президенти
Илҳом Алиев

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири
ўринбосари, ички ишлар вазири
Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён ўз табрик-
ларини йўлаганлар.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ҚОНУН ВА ШАРҲ

МАБЛАҒИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БОШҚАРУВЧИГА ТОПШИРИНГ

Олий Мажлис Сенатининг жорий йил август ойида бўлиб ўтган учинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Қонун мутахассисларнинг таъкидлашича, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида ўзига хос янги муносабатлар кенгайтиришга, инвестиция соҳасида қўлай имкониятлар очилишига хизмат қилади.

Хўш, мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти, аҳамияти нимадан иборат? Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Феруза ЭШМАТОВА:

— Аввало, инвестиция ва пай фонди тушунчаларига тўхталсак. Айтилик, кимнингдир бўш турган маблағи бор. У ўз маблағини қўлайтириш, пулларини иқтисодийнинг муайян соҳасига йўналиштириш, бунда ишончли бошқарувчи таяниш ниятида. Инвестиция ва пай фондлари қонуний жиҳатдан бундай имкониятни яратиб беради. Бу жараёнда маблағ эгасидан ҳеч қандай ҳаракат, тушунб-тушунмай бирор тавakkалчиликка қўл уриш талаб этилмайди. Чунки у йўналишни ўзи танлаган ҳолда, маблағларини ишончли бошқарувчи беради. Натижада жамоавий инвестициялаш тизими ишга тушади ва аҳолининг бўш турган пул маблағларини ҳаракатга келтириш имкони юзага келади.

▶ Давоми 2-бетда.

1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



Хотам МАМАДАЛИЕВ (ўса) олган сурат.

Бугунги кунда Наманган шаҳридаги 58-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабидан 1 минг 422 нафар ўқувчи замонавий шароитларда таълим-тарбия олмақда.

Ўқув даргоҳида маънавий-маърифий ва синфдан ташқари ишлар кенг йўлга қўйилгани, мураккаб мавзуларни ўзлаштиришда ўқувчилар билан индивидуал иш олиб борила-

ётгани таълим-тарбия самардорлигини ошириш имконини бермоқда.

Жорий ўқув йилида таълим масканига 108 нафар ўғил-қиз 1-синфга қабул қилинди.

«Фарғона азот» акциядорлик жамияти корхонасида ЎзХДП бошланғич ташкилоти фаолият юритади. Бу ерда партияимизнинг 572 нафар аъзоси бор.

Хоразм вилоятида ЎзХДПнинг 30 мингдан ортиқ аъзоси бор. Уларнинг 8 мингга яқинини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади.

ЎзХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН

Иш ўринлари ташкил этиш

ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси ўрганилди

Мамлакатимизда ҳар йили қабул қилинадиган иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида ҳар бир ҳудуд бўйича аниқ кўрсаткичлар белгиланади. Уларнинг рўёбга чиқарилиши фуқароларнинг турмуш даражасини ошириш, фаро-

вонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш керакки, Дастур ижроси таъминланиши, аввало, ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган кишилар манфаатига хизмат қилади. Шу жиҳатдан олиб қарасак, 2015 йилда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари-

дан келиб чиқиб, янги иш ўринлари очиб жараёнида юзага келадиган масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этиш ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Халқ депутатлари Канлиқул туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳида 9 нафар де-

путат фаолият юритади. Улар аҳоли, хусусан, касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб, бандлигини таъминлашга катта эътибор қаратяпти.

▶ Давоми 2-бетда.

Худудлардан хабарлар

Фурқат туманида

кўплаб янги иш ўринлари яратилди

2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ, туманда ёшлар, асосан, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман Бандликка қўмаклашиш маркази мутахассислари қўмағида 1183 нафар фуқарога ишга жойлаштириш учун йўлланма берилди.

Шунингдек, 237 нафар хотин-қизга тижорат банклари тўмонидан 825 миллион сўм кредит ажратилиб, 228 янги иш ўрни ташкил этилди.

Туманда ҳозирга қадар 57 савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти фойдаланишга топширилди. Бунинг ҳисобига 186 янги иш ўрни яратилди.

Чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган 22 лойиҳани амалга ошириш учун тижорат банклари тўмонидан 3,9 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилди. Натижада 102 янги иш ўрни яратилди. Бу рақамлар жорий йил охиригача янада ортиши кутилмоқда.

Когондаги «Иссиқнон» корхонасида

30 нафар ёш иш билан таъминланди

«Когондон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятига қарашли «Иссиқнон» корхонасига Германиядан «Wachtel» русумли ротацион, яъни электр энергияси ва табиий газда ишловчи технологиялар олиб келиниб, ўрнатилди. Бу билан корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури 12 тадан 18 тага етди. Ушбу янги технология суткасига уч тонна унни қайта ишлаш имконини бермоқда. Шу боис корхонада иш ўчи сменада ташкил этилди.

— Вилоятимизда фаолият юритаётган 350 фермер ҳўжалиги билан маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома имзолаганимиз, — дейди **корхона раҳбари Маҳмуд Эргашев**. — Шунингдек, шартнома асосида шаҳар ва туман тиббиёт бirlашмалари, темир йўл корхоналари, ҳарбий қисм, 18 та умумтаълим мактаби ва мактабгача таълим муассасаларини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаб келяпмиз. Ўнг муҳими, ишлаб чиқариш қуввати ошгани ҳисобига корхонада меҳнат қилаётган кишилар 30 нафарга етди.

Бир саволга икки жавоб

— Бугунги кунда сиёсий партияларнинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги роли, таъсир кучи ошиб бораётганини кузатиб турибмиз. Мен Ўзбекистон ХДП аъзосиман. Демократик ислохотлар чуқурлашиб

бораётган ҳозирги шароитда партиямиз ўз электорати билан ишлашнинг қандай усулларидан фойдаланиши керак?

Зебунисо МУРОДОВА, Тошкент шаҳридан.

Улугбек АБДУНАЗАРОВ,

ЎзХДП БЕКОБОД ШАҲАР КЕНГАШИ РАИСИ:

— Сиёсий партиялар электорат билан ишлаш бўйича турли замонавий усулларни қўлламоқда. Партиямиз аҳоли, электорат муаммоларини ўрганишда, аввало, жойларда кўчма Жамоатчилик қабулхоналари имкониятидан янада самарали фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман. Одамлардан тушган мурожаатларга ечим топиш орқали ҳудудларда юзага келадиган турли масалалар бартараф этилади. Натижада партиямизга ишонч ортади.

Яна бир масала. Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатлар асосида муҳим ижтимоий масалаларни мониторинг қилиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Аҳолини ўйлантирадиган айрим муаммоларнинг илдири каерда, улар нима сабабдан келиб чиқмоқда? Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари назорат-таҳлил давомиди ана шу саволларга жавоб топиши керак. Жараёни доимий комиссия ва сессия муҳокамасига олиб чиқиш билан давом эттириш зарур.

Хусниддин ШАРИПОВ,

ЎзХДП ПАСТДАРҒОМ ТУМАН КЕНГАШИ РАИСИ:

— Менимча, электорат, кенг жамоатчилик вакиллари билан бевосита мулоқотлар ўтказиш энг самарали усуллардан. Фақат бу борада таъсирчанликни ошириш керак, деб ўйлайман. Масалан, тарғиботга асосланган тадбир ўтаяпти. Унда куруқ маърузалардан қочиш лозим. Умумий гаплар иштирокчиларни зериктириб қўйиши мумкин. Уларнинг онгига таъсир қилиш, муҳокама этилаётган мавзунини чуқурроқ сингдириш, одамларнинг юрагига етиб бориш учун кўпроқ замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланишимиз зарур.

Тадбирларда интерактив усуллар, гуруҳларга бўлинган ҳолда ишлашни кенг йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, интернет орқали мулоқотни амалга ошириш, онлайн суҳбатлар ўтказиш ҳам яхши самара беради. Булар аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортишига хизмат қилади, назаримда.

Бир марталик вақтинча иш билан банд бўлган шахслар меҳнат фаолиятининг қонуний асосларини такомиллаштириш, уларнинг пенсия таъминоти ва ижтимоий сугуртаси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш лозим.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастуридан.

Замонавий клиника

иш бошлади

Гулистон шаҳридаги мазкур шифохонага Жанубий Корея давлатидан келтирилган сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуна ўрнатилган бўлиб, унинг ёрдамида отоларингологик касалликларда жаррохлик амалиёти ўтказиш мумкин.

Бундан ташқари, беморларнинг стационар йўл билан даволаниши учун барча қўлайликка эга 20 ўринли бўлим ташкил этилган.

— Ўзаро тажриба алмашиш, мураккаб операцияларни шу ернинг ўзида ўтказиш учун ҳиндистонлик ва корейлик шифокорлар билан ҳамкорлик алоқасини йўлга қўямиз, — дейди **клиника бош шифокори Гулчехра Жонжигитова**. — Шу мақсадда икки нафар шифокорни малака оширишга Ҳиндистонга юборишни режалаштирдик. Ҳозир клиникамизда 22 нафар шифокор ва ҳамшира фаолият кўрсатмоқда.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ тайёрлади.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Қабул қилинаётган қонунлар

тараққиётга, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислохотларининг боришига қандай таъсир кўрсатмоқда?



Андижон вилоятида ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналари қандай фаолият юритяпти?

■ КУЧЛИ
ДАВЛАТДАН —
КУЧЛИ
ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИ САРИ

Наманганда нодавлат
нотижорат ташкилотла-
ри ва фуқаролик жами-
ятининг бошқа инсти-
тутларига ижтимоий
аҳамиятта лойи-
ҳаларни тайёрлашда ах-
борот-маслаҳат, услубий
ёрдам кўрсатиш, улар-
нинг лойиҳаларни ижти-
моий шерикликда амал-
га оширишдаги билим ва
кўникмаларини тако-
миллаштириш масалала-
рига бағишланган семи-
нар бўлиб ўтди.

ИЖТИМОЙ
ШЕРИКЛИК —
ТАРАҚҚИЁТ
ОМИЛИ

Фуқаролик жамияти шакл-
ланишини мониторинг қилиш
муштақил институти Наманган
вилояти ҳудудий бўлими то-
монидан долзарб масалалар-
ни ҳал қилишда фуқаролик
жамияти институтлари ишти-
рокни таъминлашда халқ де-
путатлари вилоят Кенгашининг
ролини ошириш ҳамда бу бо-
радаги ижтимоий шериклик-
ни кучайтиришга қўмакла-
шиш мақсадлида ташкил этил-
ган тадбирда Ўзбекистон Рес-
публикаси Олий Мажлиси
Сенати аъзолари ва Қонун-
чилик палатаси депутатлари,
давлат ва жамоат ташкилот-
лари, нодавлат нотижорат
ташкилотлари вакиллари иш-
тирок этди.

Президентимиз раҳнамоли-
гида «Кучли давлатдан — куч-
ли фуқаролик жамияти сари»
тамоийли асосида амалга
оширилаётган изчил ислохот-
лар самарасида нодавлат но-
тижорат ташкилотларининг
жамиятимиздаги мавқеи тобо-
ра мустаҳкамланиб бормоқда.

— Давлатимиз раҳбари то-
монидан илгари сурилган
Мамлакатимизда демократик
ислохотларни янада чуқур-
лаштириш ва фуқаролик жа-
миятини ривожлантириш
концепцияси асосида қабул
қилинган қонунлар нодавлат
нотижорат ташкилотларининг
фаолияти ва ваколатини яна-
да кенгайтирди, — дейди
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзо-
си Муҳаммадjon Максудов.
— Нодавлат нотижорат таш-
килотларининг ҳудудларни
иқтисодий-ижтимоий ривож-
лантириш, фуқароларнинг
ҳуқуқий маданиятини юксал-
тириш, хотин-қизлар ва ёшлар
бандлигини таъминлаш син-
гари йўналишларда истиқбол-
ли лойиҳаларни амалга оши-
ришда давлат бошқаруви
идоралари билан ижтимоий
ҳамкорлиги муҳим омил
бўлмоқда.

Семинарда Ўзбекистон Рес-
публикаси Олий Мажлиси
ҳузуридаги Нодавлат нотижо-
рат ташкилотларини ва фу-
қаролик жамиятининг бошқа
институтларини қўллаб-қув-
ватлаш жамоат фонди эълон
қилаётган грант танловлари-
да вилоятдаги нодавлат но-
тижорат ташкилотлари ва
оммавий ахборот воситалари-
нинг иштироки, лойиҳалар-
ни тайёрлаш ва амалга оши-
ришда эътибор қаратилиши
зарур бўлган жиҳатлар хусу-
сида фикр алмашилди.

А.САТТОРОВ,
ЎЗАМ мухбири.

■ ҚОНУН ВА ШАРҲ

Маблағингизни ишончли бошқарувчига топширинг

Эътиборли томони, бош-
қарувчи бир кишининг маб-
лағи билан иш бошламайди.
Бир нечта кишининг йиғил-
ган пул маблағлари йиғинди-
си ҳисобига пай фонди таш-
кил этилади. Бошқарувчи жа-
моавийлик асосида, яъни
алоҳида фондга гуруҳланган
акциялар, улушлар, облига-
циялар ва бошқа активлар-
дан иборат бир неча пай
фондини ташкил этиб, йиғил-
ган сармоялар асосида иш
юритади. Улар акциялар фон-
ди, энергетика фонди, кимё
саноати фонди, нефт-газ тар-
моғи ва бошқалар бўлиши
мумкин. Кишиларнинг маб-
лағи мазкур фондлар бўйича
гуруҳлаштирилган инвести-
ция активларига киритилади.
Унда ҳар бир инвесторнинг
ўз инвестицияларига мутано-
сиб улуши бўлади.

Бу ўринда маблағ бериб
турган инвестор ва ишончли
бошқарувчи ўртасида шарт-
нома ҳам тузилади. Унда ин-
весторлар пул маблағларини-
нинг умумий улуши мулк
ҳуқуқи асосида пай фондига
бирлаштириш назарда тути-
лади. Шу тариқа инвестор-
лар пай фондига пул маблағ-
ларини киритади ва профес-
сионал менежерлар орқали
маблағларни мақсадли сарф-
лайди. Инвестиция пайлари-
ни жойлаштириш барча пул
тикканлар учун ягона нарх
бўйича амалга оширилади.

Демак, инвестиция ва пай
фондлари хусусий инвестор-
ларнинг маблағларини тўла-
лаш, хусусий сармоядорлар
маблағини самарали бош-
қариш механизмини яратиш,
шу билан бирга, молия бо-
зорини янада ривожланти-
ришга хизмат қилади. Шу
маънода «Инвестиция ва
пай фондлари тўғрисида»-
ги қонуннинг қабул қилини-
ши муҳим аҳамиятга эга ма-
саладир.

▲ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Фарҳод УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчи-
лик палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Жорий йилнинг 26
августидан кўнча қирган маз-
кур қонун фонд бозори томо-
нидан иқтисодиёт тармоқла-
ри ўртасида сармоянинг эр-
кин оқими таъминлаш, ин-
весторларга ва аҳолининг
кенг қатламларига капитал
бозорига кириш имконияти-
ни бериш ҳамда жамғармаларни
шакллантириш ва қўпайти-
ришга кенг йўл очади.

Қонунга кўра, инвестиция
фонди ўз фаолиятини қим-
матли қозғалар бозорини
тартибга солиш бўйича ва-
колатли давлат органи то-
монидан бериладиган ли-
цензия асосида амалга оши-
ради.

Қонун билан инвестиция
фонди, пай фонди, инвести-
ция пайлари, инвестиция ак-
тивлари, ишончли бошқарув-
чи ва ишончли бошқариш
шартномаси, инвестиция дек-
ларацияси каби тушунчалар-
га изоҳ берилган, уларнинг
ҳар бирининг ўрни ва аҳамия-
ти белгиланган бўлиши кери-
рак.

Шу ўринда алоҳида таъ-
кидлаш жоизки, мазкур
Қонун партияимиз Сайлов-
олди дастурида белгиланган
қатор вазифалар амалга
ошишига, иқтисодиёт соҳа-
ларининг янада тараққий
етиши ва янги иш ўринлари
очирилиши учун янада кенг ша-
роит яратилишига хизмат
қилади.

Дилмурод САЪДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчи-
лик палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Жаҳон таърибига на-
зар соладиган бўлсак, пай
фондлари бутун дунёда, хусу-
сан, АҚШ, Буюк Британия,
Франция, Япония, Жанубий
Корея ва Россия каби мам-
лакатларда жуда кенг тар-
қалган. Улар иқтисодиётга



лан ишончли бошқариш
шартномаси тузишга йўл
қўйилмади. Ишончли бош-
қариш шартномасида унинг
ажралмас қисми бўлган ва
инвестиция активларининг
таркибига нисбатан талаблар
қўядиган инвестиция декла-
рацияси, албатта, бўлиши ке-
рак.

«Инвестиция ва пай фонд-
лари тўғрисида»-ги қонуннинг
қабул қилиниши ривожланган
мамлакатларда кенг тарқал-
ган ва самарали фаолият
кўрсатаётган пай фондлари
институтининг мамлакатимиз-
да кенг жорий қилиниши-
га замин яратади.

Шунга кўра, мазкур қонун-
да пай фондларини ташкил
етиш, уларни бошқариш, пай
фондларига бериладиган
мол-мулкларни тасарруф
етиш шартлари, фонд фао-
лиятига доир чекловлар, пай
фондларини тугатишнинг
усуллари кўрсатиб ўтилган.

Хусусан, Қонуннинг 16-
моддасида пай фондларини
ташкил этишнинг айрим
ўзига хос хусусиятлари
кўрсатиб ўтилган. Унга асо-

сан пай фондини ташкил
етиш тўғрисидаги қарор
ишончли бошқарувчи томо-
нидан қабул қилиниши, ин-
вестиция пайларини жой-
лаштириш барча инвестор-
лар учун ягона нарх бўйича
амалга оширилиши, пай
фондининг пул маблағлари
инвестиция декларацияси-
га биноан инвестиция қили-
ниши мустаҳкамлаб қўйил-
ган.

Ўз-ўзидан равшанки, бун-
дай ҳуқуқий шароитда кенг
аҳоли қатлами, айниқса,
қўлида унча катта маблағи
ёки бошқа активлари бўлма-
ган фуқароларнинг ижти-
моий-иқтисодий фаоллиги
ортиди. Шу орқали ишлаб чи-
қариш ва хизмат кўрсатиш
янада ривожланиб, янги иш
ўринлари очилади.

Яна бир маълумот. Қонун
расмий эълон қилинган кун-
дан эътиборан кўнча кирди.
Лекин унинг 3-боби қоидала-
ри 2017 йил 1 июлдан эъти-
боран амалга киритилади.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЎЗХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН

Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси ўрганилди



ЎЗАМ оғлан сураётган.

Хусусан, яқинда ЎзХДП гуруҳи
туманда «2015 йилда иш ўринла-
ри ташкил этиш ва аҳоли бандли-
гини таъминлаш дастури» ижроси
бўйича назорат-таҳлил ишларини
олиб борди. Дастурда белгилан-
ган объектларнинг ўз вақтида очил-
лиши, вақтинча фаолиятини тўхта-
тиб турган ишлаб чиқариш тар-
моқларида учраётган муаммоларни
бартараф этиш, касаначилик,
оилавий тадбиркорликни ривож-
лантириш орқали янги иш жойла-
ри яратиш билан боғлиқ масала-
лар чуқур ўрганилди. Шунингдек,

касб-ҳунар коллежлари битирув-
чиларини иш билан таъминлашга
қаратилган ҳаракатлар бўйича ти-
зимли мониторинг ўрнатилди.

Маълум бўлишича, туманда шу
йилнинг ўтган 8 ойи давомида мақ-
садли дастурларга мувофиқ 164, са-
ноатда 35, хизмат кўрсатиш соҳа-
сида 73 иш ўрни яратилди.

Жорий йилда тумандаги 3 касб-
хунар коллежини 557 нафар ўқувчи
тамомлаган. Улар 355 корхона-таш-
килот билан уч томонлама шартно-
малар тузган. Бироқ шартнома шарт-
лари ҳамма жойда ҳам тўлиқ бажа-
рилмаган.

Туманда аҳоли бандлигини

таъминлаш, уларни бўш иш ўринла-
ри билан таништириш мақсадида
мунтазам равишда меҳнат ярмар-
калари ташкил этиб келинмоқда.
Жумладан, йилнинг биринчи ярим
йиллигида бўлиб ўтган ярмаркада
44 нафар фуқаро мутахассислиги
асосида иш билан таъминланди, 14
нафар кишига мутахассислар та-
всиялар беришди.

Депутатлар назорат-таҳлил иш-
лари натижаларини умумлаштириб,
уларни партия гуруҳи йиғилишида
кенг муҳокама этишди. Йиғилиш-
да маҳаллийлаштириш ва бошқа
қатор мақсадли дастурларнинг му-
ваффақиятли амалга оширилиши
иш ўринлари очирилиши учун қўлай
шароит яратаяётгани қайд этилди.

Бандлик Дастури ижросини таъ-
минлаш, битирувчиларнинг иш-
га жойлашган ҳақидаги маълум-
отларнинг ҳаққонийлигига эри-
шиш билан боғлиқ масалалар
атрофлича муҳокама қилинди.

Шундан сўнг иш ўринлари таш-
кил этиш ва аҳоли бандлигини таъ-
минлаш дастури ижроси юзасидан
аниқланган хато ва камчиликлар,
муаммолар бўйича тақлифлар ишлаб
чиқилди. Хусусан, депутатларнинг
қайд этишича, ҳудудларнинг ижти-
моий-иқтисодий ҳолатини, соҳалар-
нинг ривожланиш истиқболларини
чуқур ўрганган ҳолда, қандай мута-
хассисга эҳтиёж борлигини аниқлаш
керак. Коллежларнинг касбга тайёр-
лаш йўналишларини ҳудуд иқтисо-
диёти билан мувофиқлаштириш би-

тирувчиларни ишга жойлаштиришда
муҳим аҳамиятга эга. Чунки бити-
рувчи унга талаб ва эҳтиёж бор жой-
га ишга келади ва қийинчиликсиз иш
бошлайди.

Шунингдек, бандлик масаласини
ҳал этиш учун жойларда уй меҳнати,
оилавий тадбиркорликни кенг йўлга
қўйиш лозим. Бунинг учун, керак
бўлса, уйма-уй юриб, одамлар би-
лан юзма-юз учрашиш лозим. Иш-
лаб чиқаришнинг қайсидир турига
қизиқиши бор, бироқ қўлида маблағи
йўқлиги учун иш бошлашга қийналиб
юрган одамларни аниқлаш зарур.
Уларга меҳнат қонунчилигини кенг ту-
шунириш, бизнес-режа ишлаб чи-
қиш тартиби ҳақида маълумот бериш,
шунингдек, кредит олиши учун яқин-
дан кўмаклашиш керак.

Бундан ташқари, коллеж битирув-
чиларини мутахассислиги бўйича
ишга жойлаштириш юзасидан қўри-
лаётган чора-тадбирлар ижросини
таъминлаш, маълумотларнинг ҳақ-
қонийлигини ҳар бир коллеж кеси-
мида мунтазам ўрганиб бориш ке-
рак.

Партия гуруҳи йиғилишида би-
дирилган тақлифлар депутатлар то-
монидан қизгин муҳокама этилди ва
масалани тегишли доимий комиссия
йиғилиши кун тартибига киритиш
бўйича қарор қабул қилинди.

Нокисбай ГАНИЕВ,
ЎзХДП Қорақалпоғистон
Республика кенгаши
бўлими мудбири.

■ ЎЗХДП: «ИСТИҚБОЛ»
ЕТАКЧИЛАРИ
МИНБАРИ

БУГУНГИ КУНДА
ЎЗБЕКИСТОН ХДП
«ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР
ҚАНОТИ ЙИГИТ-
ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-
СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ
ОШИРИШ, УЛАРНИ
ЎЙЛАНТИРАЁТГАН
МАСАЛАЛАРНИ ИЖОБИЙ
ҲАЛ ЭТИШДА ФАОЛ
ИШТИРОК ЭТМОҚДА.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

ёшлар манфаатини
ҳимоя қилишда муҳим
ўрин тутмоқда

Хусусан, Ўзбекистон ХДП Ангор
туман кенгаши қошидаги Жамоатчи-
лик қабулхонасида Ёшлар ҳуқуқий
маслаҳатхонаси фаолият юритмоқда.
Бугунги кунда мазкур тизим ёшлар
манфаатларини ҳимоялашда муҳим
восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Масалан, яқинда қабулхонага
Нафосат Жумаева ўз мутахассисли-
ги бўйича ишга жойлашганда ама-
лий ёрдам сўраб мурожаат қилди.
Депутатлар ҳудуддаги бўш иш ўрин-
ларини ўрганишди. Натижада маса-
ла ижобий ҳал этилди. Халқ депу-
татлари Ангор туман Кенгашига
ЎзХДПдан сайланган депутат Обид
Жўраев кўмаги билан Нафосат
Жумаева тумандаги 36-умумий ўрта
таълим мактабига ўқитувчи бўлиб
ишга жойлашди. Шунингдек, му-
рожаат билан келган Шахло Нарзиева
тумандаги 41-умумий ўрта таълим
мактабига ишга жойлашганда ама-
лий ёрдам кўрсатилди.

Маълумки, мамлакатимизда тад-
биркорлик ва хусусий бизнесни
йўлга қўйиш учун барча имконият-
лар яратилмоқда. Бунда тижорат
банклари томонидан ажратилаётган
микрокредитлар муҳим аҳамиятга
эга бўляпти. Аммо жойларда бити-
рувчилар кредит олишда айрим ан-
глатилишмовчилик ва муаммоларга ҳам
дуч келмоқда. Мазкур масалада
ҳуқуқий маслаҳатхонага қўллаб-йи-
гит-қизлар мурожаат қилишяпти.
Муаммоларнинг аксарияти халқ де-
путатлари туман ва шаҳар Кенгаши
депутатлари билан биргаликда ижо-
бий ҳал қилинган.

Масалан, Муродали Маманазар-
овга «Микрокредитбанк» Қумқўрғон
туман филиалидан кредит олишига
ёрдам кўрсатилди. Натижада у сер-
вис соҳасида ўз ишини бошлади ва
2 нафар тенгдошини иш билан таъ-
минлади.

Бундан ташқари, Шаҳбоз Норбоев-
га чорвачилик билан шуғулланиши
учун, Термиз давлат университети та-
лабаси Даврон Тожиевга тўлов шарт-
нома пулини тўлаш учун кредит аж-
ратилишида ёрдам берилди.

Биз фаолиятимизда яна бир му-
ҳим жиҳатга эътибор қаратаймиз.
Йигит-қизлар билан эркин, самимий
суҳбатлар уюштиряймиз. Ёшларни
бир жойга тўплаб, умумий гаплар,
зериқарли мавзуларни қайтаришдан
қўра, юзма-юз мулоқотлар ташкил
етиш аёнага тусига кирган. Бу
ёшларни ўйлантираётган муаммо-
ларни бартараф этишда муҳим омил
бўлмоқда.

Биз қанотнинг депутатлар билан
ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш,
уларнинг ваколатлари ёрдамида йи-
гит-қизлар муаммоларига ечим топиш,
савол ва тақлифларига жавоб бериш-
га ҳаракат қилияймиз.

Албатта, фаолиятимизда қутил-
ган натижага эришиш ўз-ўзидан
бўлмайд. Бунинг учун ҳар бир му-
рожаатга ўз вақтида жавоб топиш,
уларга эътиборли бўлиш талаб эти-
лади.

Суннатullo БОЗОРБОВЕВ,
ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти
Сурхондарё вилоят бўлими
етакчиси.



■ ЎЗБЕКИСТОН ХДП КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ЭҲТИЁЖ-
ЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, УЛАРДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЮҚОРИ
КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ КАФОЛАТЛОВЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
АМАЛИЁТИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШINI ҚўЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАЙДИ.



■ ЎЗХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛА-
РИГА БўЛАЁТГАН МУРОЖААТЛАР СОНИ
ЙИЛ САЙИН ОШИБ БОРМОҚДА. УЛАР
АСОСАН ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАРГА
АЛОҚАДОРДИР.

■ БУНЁДКОРЛИК

ТИББИЁТ
МАСКАНИ
ФЙДАЛА-
НИШГА
ТОПШИРИЛДИ

Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 4-оилавий поликлиниканинг янги биноси фойдаланишга топширилди.



Тиббиёт даргоҳининг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар юртимизда аҳоли, айниқса, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кенг қўлмали ислохотлар амалга оширилатганини таъкидлади.

Шаҳарнинг Махмуд Таробий кўчасида қисқа фурсатда замон талабларига мос поликлиника бунёд этилди. Қурилиш ишлари «Горняк Извест» МЧЖ қурувчилари томонидан амалга оширилди.

Бу ижро масканида 110 нафар тиббиёт ходими аҳолига сифатли хизмат кўрсатади.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЎШКЎПИР-
НИНГ
ЭЛЕКТРО-
ВЕЛОСИПЕД-
ЛАРИ

Кўшкўпир туманидаги «Кўшкўпиртехно-импекс»

масъулияти чекланган жамиятида замонавий, харидоргир — электровелосипедлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Электр-энергия ҳисобига ишлайдиган электровелосипедларнинг биринчи партияси вилоят савдо шохобчаларига жўнатилди. Эндиликда бу техника воситаси Қорақалпоғистон Республикасига ҳам етказиб берилади.

Янги корхонада касб-хунар коллежларини таъминлаган етти нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Йил охиригача шундай велосипедлардан уч минг донга тайёрлаш режалаштирилган. Бу эса ўз навбатида қўшимча янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРИ

ГРЕЦИЯ:
ЯНГИ ШАКЛЛАНГАН
ПАРЛАМЕНТ

мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий беқарорликни бартараф эта оладими?

Бугунги кунда Греция мураккаб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларни бошидан кечирмоқда. Экспертларнинг таъкидлашича, мамлакатдаги иқтисодий инқироз сиёсий беқарорликни келтириб чиқармоқда. Буни мамлакат парламенти фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Грецияда сўнгги парламент сайлови 2015 йилнинг февраль ойида ўтказилган эди. Бироқ мазкур таркибдаги парламент фаолияти узокқа чўзилмади. Бунинг асосий сабабларидан бири мамлакат иқтисодиётини тиклаш учун кредит олиш масаласи билан боғлиқдир. Гап шундаки, парламент Радикал сўл кучлар коалициясининг 40 нафар депутати учинчи кредит дастури доирасида қўлланилиши лозим бўлган қаттиқ иқтисодий чоралар тўғрисидаги меморандум имзоланишига қарши бўлиб, халқаро инвесторлар билан келишувга эришиш тўғрисидаги қонунга овоз беришдан бош тортиди.

Натижада жорий йил 20 август кун Радикал сўл кучлар коалицияси етакчиси, амалдаги Бош вазир Алексис Ципрас истеъфода қолди. Қонунга кўра, бундай шароитда муддатидан олдин парламент сайлови ўтказилади. 28 августда Греция президенти 20 сентябрда муддатидан илгари навбатдаги парламент сайлови ўтказилишини маълум қилди. Энг қизиқ томони шундаки, мазкур сайлов Грецияда сўнгги тўрт йилдаги тўртинчи парламент сайловидир. Бунгача 2012 йилнинг май ва июнь ойларида ҳам сайловлар ўтказилган эди.

Греция қонунчилигига кўра, сайловларда аҳолининг иштирок этиши мажбурий ҳисобланади. Мамлакат парламентида 300 депутатлик ўрни бўлса-да, сиёсий партиялар парламентдаги 250 ўрин учун



Алексис Ципрас яна бир марта ҳукумат тепасига келди. Унинг партияси Сайловолди дастурида мамлакатдаги иқтисодий инқирозни бартараф этишга қаратилган кўплаб таклифларни илгари сурди. Греция халқи, бу гоёларни кўллаб-қувватламоқда.

пропорционал тизим асосида кураш олиб боради. Сайловда ғолиб бўлган партияга эса яна 50 қўшимча депутатлик ўрни тақдим этилади. Парламентда 151 мандатга эга бўлган сиёсий партия фракциясигина Бош вазир номзодини илгари сура олади.

Греция конституцияси 1975 йилда қабул қилинган бўлса, унга 1986, 2001 ва 2008 йилларда уч марта ўзгариштирилган. Грецияда сайловлар Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилади. Мамлакатда кўппартиявийлик тизими амал қилади. Сайловларда сайловчиларнинг 3 фоиз овозини тўплай олган партиягина парламентдан ўрин олиши мумкин.

Парламент катта ваколатларга эга. Хусусан, давлат бюджетини қабул қилади ва унинг ижроси назоратини амалга оширади.

Шунингдек, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий дастурларини тасдиқлайди. Референдум ўтказиш ва муҳим ҳарбий масалаларни ҳал этади.

Энди бевосита Грецияда жорий йил 20 сентябрда бўлиб ўтган муддатдан аввалги парламент сайлови натижаларига эътибор қаратсак. Алексис Ципрас бошчилигидаги Радикал сўл кучлар коалицияси сайлов яқунларига кўра, 35,46 фоиз овоз тўплаб, ғолибликни қўлга киритди.

Юқорида таъкидланганидек, парламент сайловида ғолиб бўлган партия учун қўшимча 50 депутатлик ўрни тақдим этилиши боис Радикал сўл кучлар коалицияси парламентда жами 145 ўринга эга бўлди. Унинг асосий рақобатчиси — раҳбари 61 ёшли Вангелис Меймарақис бўлган эволюцион ўзгаришлар тарафдори ҳисобланган «Янги

демократия» ўнг марказчилари эса 28,09 фоиз овоз тўплаб, парламентда 75 ўрин билан кифояланди. Учинчи ўринни «Хрисис Авгис» партияси 6,99 фоиз овоз билан эгаллади. Улар 18 депутатлик мандатига эга бўлишди.

Радикал сўл кучлар коалицияси кўлга киритган натижа уларга ҳукуматни шакллантириш имкониятини бермайдми. Шу боис мазкур партия 3,69 фоиз овоз тўплаб, 10 депутатлик мандатини қўлга киритган «Мустақил греклар» партияси билан ҳамкорликда парламентдаги 300 депутатлик ўрнидан 151 тасини эгаллаб, ҳукуматни шакллантириш имконига эга бўлди.

Грециянинг собиқ энергетика вазири Панайотис Лафазанис бошчилигидаги «Миллий бирдамлик» партияси 2,86 фоиз овоз тўплаб, уч фоизлик «тўсик»дан ўта олмади. Умуман олганда, бу галги сайлов натижаларига кўра, фақат саккизта сиёсий партия парламентдан ўрин олди.

— Грециядаги ижтимоий-сиёсий аҳвол тобора мураккаблашиб бормоқда, — дейди юридик фанлар номзоди Шавкат Назаров. — Бош вазир ва парламент бу муаммоларни бартараф этиш борасида бир тўхтамга кела олмапти. Шу боис қайта-қайта сай-

ловлар ўтказилмоқда. Бу эса иқтисодий аҳволнинг янада оғирлашишига олиб келиши мумкин. Сайловлардан олдин Европадаги етакчи сиёсатчилар «Янги демократия» партиясининг ғолиб бўлишини тахмин қилганди. Бироқ Алексис Ципрас яна бир марта ҳукумат тепасига келди. Унинг партияси Сайловолди дастурида мамлакатдаги иқтисодий инқирозни бартараф этишга қаратилган кўплаб таклифларни илгари сурди. Греция халқи, бу гоёларни кўллаб-қувватламоқда.

Шундай қилиб, 21 сентябрь кун мамлакат президенти томонидан Алексис Ципрас муваффақият расман эълон қилинди. 23 сентябрь кун Радикал сўл кучлар коалицияси ва «Мустақил греклар» партияси вакиллари билан шаклланган янги ҳукумат аъзолари қасамёд қабул қилди.

Мамлакат Бош вазири Алексис Ципрас ва парламент олдида жуда муҳим вазифалар турибди. Хусусан, иқтисодий инқирозни бартараф этиш, одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончини тиклаш зарурлиги таъкидланмоқда. Янги ҳукумат Грецияни оғир вазиятдан қутқازа оладими? Буни, албатта, вақт кўрсатади.

Нурали ОРИПОВ

кўмир брикетлари ишлаб чиқариш ва сотишни комплекс ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида йилига 240 минг тонна кўмир брикети ишлаб чиқариш қувватига эга 31 фабрика ташкил этилди. Ушбу кўмир брикетларини ишлаб чиқариш бўйича ўтган даврда 27 корхона билан 175,7 минг тонна хомашё етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган бўлса, ҳудудий дистрибуторлик марказлари ва уларнинг филиаллари томонидан истеъмолчиларга етказиб берилган тайёр маҳсулот ҳажми 28,5 минг тоннани ташкил этди.

Давлатимиз раҳбарининг Республика иқтисодиёт тармоқларини 2015-2016 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашни таъминлаш тўғрисидаги қарорига мувофиқ жамият томонидан бюджет ташкилотларига 373 минг, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятига 3 миллион 54 тонна, аҳолига 847 минг тонна кўмир етказиб берилиши режалаштирилган.

Матбуот аниқламиди журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилиди.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Дунё

ОЛИМПАРНИНГ
ҲИСОБ-КИТОБИЧА
жаҳон уммонларида
сув сатҳи...

Кейинги пайтларда «парник газ»лари қандай оқибатларни юзага келтираётгани барчамизга маълум. Яъни, иқлим ўзгаришларининг табиатга таъсири, ҳароратнинг бетартиб ўзгариши яққол намоён бўлмоқда.



Австралиянинг Илмий ва саноат тадқиқотлари ҳамдўстлиги ҳукумат ташкилоти («CSIRO») ҳамда Метеорология бюроси мутахассислари тадқиқотлари шундан далolat бермоқдаки, бугунги кунда сайёрамиз атмосферасидаги «парник газ»лари миқдори инсоният пайдо бўлгандан кейинги тарихи давомида энг юқори даражага етган.

Олимларнинг маълумотларида келтирилишича, 1 миллион атмосфера газлари молекуласи таркибида 390 углевод икки оксиди молекуласи борлиги аниқланган. Бу кейинги 800 минг йилда энг юқори кўрсаткичдир.

Агар жараён шу таразда давом этса, яқин йилларда бу кўрсаткич 1 миллион 400 заррани ташкил этиши эҳтимолдан холи эмас.

Яна бир гап: олимларнинг ҳисоб-китобида, жаҳон уммонларида сув сатҳи 1880 йилдаги даражага қараганда 21 сантиметрга кўтарилган, ҳаво ҳарорати эса Австралияда юз йил аввалгига нисбатан 1 даражага ошган. Глобал иқлим ўзгаришлари Австралия шарқида кўпроқ намоён бўлмоқда, айниқса, 80 фоиз аҳоли яшайдиган бу ҳудудда кучли ёғингарчилик кўп кузатишмоқда.

СУВДАН
ОҚИЛОНА
ФЙДАЛАНИШ

исрофгарчиликнинг
олдини олади

Дунё мамлакатларидаги ичимлик сув танқислиги қатъи чоралар қўллашни тақозо этмоқда.



Масалан, Буюк Британияда сувни тежаб ишлатишга доир янги тартиб жорий этилганига анча бўлди. Мазкур чеклов тартибига кўра, боғ ва майсазорларни руҳсатсиз суғориш, ҳовуз ва фаввораларни сувга тўлдирish ман қилинади. Автомобилларни ювиш пайтида ҳам сувдан оқилона фойдаланилиши шарт. Акс ҳолда, айбдорларга нисбатан маъмурий жазо қўлланади.

Мазкур тартиб ижросини таъминлаш сув таъминотидаги ихтисослашган 7 компания зиммасига юклатилган.

Мутахассисларнинг айтишларича, сувдан бундай оқилона фойдаланиш сув исрофгарчилигини 10 фоизга қисқартирар экан.

■ МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Кўмир маҳсулотлари

истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилмоқда

«Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти томонидан кўмир ёқилғи маҳсулотлари ишлаб чиқариш, реализация қилиш ва етказиб бериш борасида амалга оширилатган ишларга бағишланган матбуот аниқламани ўтказилди.

— Мамлакатимизда қаттиқ ёқилғи ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга қаратилган ислохотлар самарасида саноат корхоналари, ижтимоий объектлар ва аҳолининг кўмир маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ўз вақтида қондирилмоқда, — дейди «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти Бош директори ўринбосари Носиржон Умаров. — Хусусан,



ҳозирда мамлакатимизда аниқланган кўмир захиралари 1900 миллион тонна, шу жумладан, қўнғир ранг кўмир захираси 1853 миллион тонна, тошкўмир 47 миллион тоннадир. Қолаверса, кўмирнинг олдиндан аниқланган захираси 5,7 миллиард тоннани ташкил этади. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даврида истеъмолчиларга

2,7 миллион тонна, жумладан, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятига 2,2 миллион, бюджет ташкилотларига 246,5 минг, аҳолига 167 минг тонна қаттиқ ёқилғи етказиб берилди. Бундан ташқари, 68,8 минг тонна кўмир биржа савдолари орқали сотилган.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 июлдаги «Республикада



■ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ АҚШДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ КЕЧА БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА АҚШ ҲУКУМАТИ ВА КОНГРЕССИ ВАКИЛЛАРИ, ДИПЛОМАТИЯ КОРПУСИ, ИШБИЛАРМОНЛАР, ЭКСПЕРТЛАР, МАДАНИЙ, ИЛМИЙ-ГУМАНИТАР ДОИРАЛАР ВА ЎЗБЕК ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.



■ ЯПОНИЯ ПОЙТАХТИ ТОКИО ШАҲРИДА 24 СЕНТЯБРЬ КУНИ ОЧИЛГАН «JATA TOURISM EXPO JAPAN — 2015» ХАЛҚАРО САЙЁХЛИК КЎРГАЗМАСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁХЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА.

ХИТОЙ ЖУРНАЛИ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ҲАҚИДА

Хитой Халқ Республикаси нашриётлар корпорацияси томонидан рус тилидаги «Шелковый путь-ревю» журналининг илк сони чоп этилди.


— Мақсадимиз Буюк ипак йўли мамлакатлари ҳақида ўқувчига кўпроқ ахборот бериш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдир, — дейди журнал ноширларидан бири, «Китай» журнали бош муҳаррири ўринбосари Ли Хиа.

Журналнинг биринчи сонида Шарҳ, Ташқи сиёсат ва ҳамкорлик, Пул ва товар, Фан, Техника ва инновация, Маданий ҳаёт, Саёҳат, Ўқувчи билан суҳбат каби рухларда ипак йўли мамлакатлари бағишланган қизиқarli мақолалар жой олган.

«Самарқандликлар ўзлари билан узум дарахти кўчатларини ҳам Хитойга олиб келган. Улар қоғоз тайёрлаш усулини яхши билар эди... Буюк ипак йўли руҳи бу шаҳарнинг ҳар бир фуқароси қалбидан ҳеч қачон сўнмаган»

— Ўзбекистон Буюк ипак йўлининг энг муҳим — Фарб ва Шарқни боғлаб турувчи ҳудуддир, — дейди Ли Хиа. — Шунинг учун ҳам таҳририят режасида бу мамлакатда мустақиллик йиллари эришилган ютуқлар, иқтисодий ислохотлар, маънавиятни юксалтириш йўлидаги ишлар, бугунги кун ёшлари ва уларнинг орзу-умидлари ҳақида мунтазам мақолалар бериб туриш ниятимиз бор.

«Шелковый путь-ревю» журналининг биринчи сони Ўзбекистон Фанлар Академияси тарих институтининг халқаро тадқиқотлар ва ҳозирги замон тарихи бўлими раҳбари, тарих фанлари доктори, профессор Мирзохид Раҳимовнинг «Марказий Осиё катта сиёсат марказида» сарлавҳали геосиёсатда Ўзбекистоннинг ўрнига бағишланган таҳлилий мақоласи билан очилади. Унда Европа Иттифоқи, АҚШ, Евроосиё иттифоқининг Ўзбекистонга нисбатан сиёсатдаги муносабатлар ҳақида фикр юритилади.



Ю Шань Шаннинг «Ипак йўлидаги Конфуций институтлари» мақоласида эса ўзбекистонлик 22 ёшли Ёлгор исмли йигит тўрт йилдан буён Тошкент Конфуций институтида хитой тили гуруҳига қатнашиб, сезиларли ютуққа эришгани, у яна 15 нафар тингловчининг хорижда хитой тилини ўргатиш Давлат концелярияси гранти асосида Хитой университетларига ўқишга қабул қили-

наётгани ҳақида сўз юритилди. Журналнинг энг салмоқли мақоласи ҳам Ўзбекистонга бағишланган. Унинг махсус муҳбири Чжан Чун-фан ўзининг Самарқандга қилган сафар таассуротларини «Ипак йўли марварида» мақоласида батафсил таърифлайди. «Қадимда ҳам самарқандликлар фарзандларини беш ёшдан талбиркорликка ўқит-

ган. 12 ёшида эса карвонлар билан сафарга олиб чиққан. Улар Фарбдан форс қумуш идишлари, Болтиқнинг феруза тошлари, Ўрта ер денгизи мамлакатларидан оқ жилва-кор тошларини олиб келиб, Хитой зодагалари, бойларига сотган. Самарқандликлар ўзлари билан узум дарахти кўчатларини ҳам Хитойга олиб келган. Улар қоғоз тайёрлаш усулини яхши билар эди... Буюк ипак йўли

руҳи бу шаҳарнинг ҳар бир фуқароси қалбидан ҳеч қачон сўнмаган», деб ёзди муаллиф ўзининг тўрт саҳифали, бугунги Самарқанд манзаралари суратлари илова қилинган мақоласида. Шунингдек, журналдан Ўзбекистон ва ўзбекистонликларга бағишланган бошқа мақолалар, суратлар ҳам ўрин олган.

Муҳаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА



Йўлларимиз кенг ва равон бўлади

Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси томонидан «Жаҳон андозаларига мос автомобиль йўллари тармоғини такомиллаштириш, транспорт коммуникациялари тизимини халқаро автомобиль йўлларига кенг интеграциялаш масалалари» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда таъкидланишича, бугунги кунда Ўзбекистон автомобиль йўллари тизими қарийб 184 минг километри ташкил этади. Шундан 42 минг 654 километр қисми Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди. — Бугун мамлакатимизда транспорт инфратузилмаси тизимини яхшилаш, янги йўллар барпо этиш ва мавжудларини халқаро андозалар даражасида реконструкция қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Республика йўл жамғармаси директори ўринбосари Шухрат Даулетаров. — Жамғарманинг асосий мақсади умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш дастурларини қўриб чиқиш, йўлларнинг талаб қилинган меъёргадаги техник ҳолати, автомобилларнинг ўтказувчанлик талабларини оширишга йўналтирилган тадбирларни молиялаштиришдан иборат. Жамғарманинг даромади 2004 йилда 179,8 миллиард сўмини ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 2,7 триллион сўмдан ортиқ бўлиши кўтилмоқда.

Президентимизнинг 2015-2019 йилларда муҳандислик коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида қарорига асосан Ўзбек миллий автомагистрalli таркибига кирувчи халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари ни қуриш ва реконструкция қилиш дастурига мувофиқ 2015-2019 йиллар давомида жами 2699,8 километр автомобиль йўллари, шундан 418,5 километр цемент-бетон, 2281,3 километр асфальтбетон қопламали йўл ҳамда 350 метр кўприклар ва 7 та транспорт ечимлари ва йўл ўтказгичлар қуриш кўзда тутилган. Бундан ташқари, 993 автомобиль йўллари ни сақлаш ва жорий таъмирлаш ишларини бажариш имконини берадиган 38 йўл комплекси харид қилиниши режалаштирилмоқда. Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарилди.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Миллий банк: Инвестициялар ишлаб чиқариш тикланишига ва иш ўринлари яратилишига йўналтирилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мамлакатимизнинг энг катта инвестиция банки ҳисобланиб, у иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартиришлар жараёнида, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, технологик ва техник қайта жиҳозлашда фаол иштирок этмоқда.


Иқтисодиёт реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш, узок муددатли инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар баробарида молиявий муассаса томонидан иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш ҳамда тиклаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Президентимизнинг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тад-

бирлари тўғрисида»ги Фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу фармон икросини таъминлаш мақсадида ўтган даврда Миллий банк томонидан иқтисодиётнинг турли секторларига мансуб қатор корхоналар фаолиятини тиклаш ва ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилди. Ушбу жараёнда банк қўшида ташкил этилган «NBU Invest Group» ва «NBU Investment» инвестиция компаниялари фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур компаниялар томонидан банк балансига қабул қилин-

ган иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш бўйича самарали ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, ишлаб чиқаришни тиклаш, корхоналарни замонавийлаштириш ва айланма маблағ билан таъминлаш мақсадида зарур инвестициялар киритилди, шу орқали корхоналар замонавий технологиялар ва хорижий жиҳозлар билан таъминланди. Тошкент вилоятининг Янгйўл туманидаги «Kinder Fruits» масъулияти чекланган жамияти иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган эди. Мазкур корхона фаолиятини «NBU Investment» компаниясининг инвестиция маблағлари ҳисобидан қайта тикланди. Бунинг самараси ўлароқ корхона йилига 1200 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Айни ҳолда, бу ерда 60 кишининг бандлиги таъминланди. Айтиш керакки, «Kinder Fruits» ёрлиги билан чиқарилаётган томат пасталари, болажонлар учун табиий мева ҳамда сабзавотлардан қадоқланган пюре маҳсулотлари хариддорларга манзур бўлмоқда. Ҳозир корхонани янги инвесторга сотиш оқибатидан ишлар олиб боришмоқда.

Мухтасар айтганда, Миллий банк томонидан фаолияти тикланган корхоналар мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳалари ривожига ҳисса қўшмоқда, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



Хизматлар лицензияланган.

МУАССИС:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Muslihidin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV		Tat'yana KISTANOVA
		(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzili: Buxoro Taron ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 6